

11-илова

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида
2025-йил давомида коррупцияга қарши курашиш
tizimining амал қилиши ҳақида**

УМУМИЙ ҲИСОБОТ

I. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида коррупцияга қарши чора-тадбирлар дастури бажарилгани тўғрисида умумий ахборот

- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раёсат мажлисининг 2025-йил 3-март кунги 01-12/03-03/209-сон баёни 23-иловасига мувофиқ Коррупцияга қарши ички назорат бўлимининг 2025-йил **I-ярим** йиллик иш режаси тасдиқланди. Шунингдек ҚР Коррупцияга қарши курашиш **ҳудудий** кенгашининг 2025-йил **I-ярим** йиллик иш режаси ҳам раҳбарликка олиниб, бугунги кунда ижросини таъминлаш бўйича ишлар ташкил этилди.

- Коррупцияга қарши курашиш бўйича Миллий кенгашнинг **2025-йил 5-март** куни кенгайтирилган тарзда ўтказилган йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонларидан берилган **14-сонли** топшириқлар асосида **йўл хариталар ишлаб чиқилди** ва ижроси таъминламоқда.

- 2025 йил 18-20 март кунлари Парламентнинг идоралараро ишчи гуруҳи томонидан **"Қорақалпоғистон Республикасида криминоген вазиятни барқарорлаштириш ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилган ишлар ҳолатини ўрганиш давомида аниқланган муаммоларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар"** йўл харитаси ижроси таъминланди.

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **Сенати**, Бош прокуратураси ва Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг **2025 йил май ойидаги "Қорақалпоғистон Республикасида коррупциянинг олдини олиш, унга қарши курашиш, шу жумладан, маиший коррупцияни бартараф этиш, коррупцияга муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини шакллантириш бўйича"** 2025 йил йўл харитаси ижроси таъминланди.

- 2025 йилнинг **8 май** куни Қорақалпоғистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашининг 2025 йил 19 апрелдаги 01-12/03-129-сонли **Тўрткўл** туманини **"Коррупциядан холи"** ҳудудга айлантириш бўйича йўл харитасида белгиланган топшириқлар бажарилиши таъминланди.

- **Қорақалпоғистон Республикаси** Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашининг **2025 йил 22 июлдаги 01-12/03-151-сонли II ярим** йиллик иш режаси, шунингдек, бошқа дастур ва йўл хариталар тасдиқланиб, белгиланган топшириқларнинг бажарилиши таъминланди.

ҚР Вазирлар Кенгашида коррупцияга қарши давлат дастурида ва йўл хариталарида назарда тутилган чора-тадбирлар **кўйидаги ҳужжатлар** асосида амалга оширилиб келинмоқда.

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2025 йилнинг 5 март куни **"Коррупциянинг олдини олиш бўйича ишларнинг самарадорлиги ва олдиндаги устувор вазифалар"**га бағишланган Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгашининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида белгиланган топшириқлар.

2. Президентимизнинг 2025 йилнинг 21 апрель куни қабул қилган **"Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган асосий вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"**ги **ПФ-71-сонли** Фармонида ишлаб чиқилиши белгиланган **21** та норматив-ҳукукий

хужжатларнинг ва «*Давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмаларининг мустақиллигини таъминлаш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида*»ги ПК-147-сонли Қарорининг мазмун-моҳияти тушунтирилиши

3. Коррупциянинг олдини олиш, унга қарши курашиш, шу жумладан, маиший коррупцияни бартараф этиш, коррупцияга мурасасиз муносабатда бўлиш муҳитини шакллантириш, манфаатлар тўқнашўвига йўл қўймаслик бўйича амалга оширилган ишларимизда *"Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги, "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги, "Жабрланувчилар, гувоҳлар ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Давлат фуқаролик хизматлари тўғрисида"ги, "Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида"ги, "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида"ги* ва бошқа қонунлар шунингдек Президентимизнинг бу борадаги фармон ва қарорлари, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Коррупцияга қарши курашиш Агентлининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари босчиликга олиниб амал қилинмоқда.

4. Қайд этиш керак, коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олишда **БМТ Коррупцияга қарши Конвенцияси** ва бошқа халқаро ҳужжатлар доимий эътиборда бўлиб ўрганилиб босчиликга олинди. Масалан, жорий йили *"9 декабрь Халқаро коррупцияга қарши курашиш кўни* байрами доирасида **БМТнинг Коррупцияга қарши Конвенцияси** 8 моддасига мувофиқ, олий ўқув юртлари ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги соҳасида ўз раҳбарияти томонидан *"Таълим-тарбия ишларини олиб боришда юқори кўрсаткичларга эришган, ўзининг адолатлилиги, поклиги, ҳалоллиги ва маъсулиятлиги билан катта ҳурматга сазовор бўлган"* профессор-ўқитувчиларга ва ходимларга *"Tashakkurnoma"* билдирилди. Бу пилот лойиҳа, янги гоа кўпчилик томонидан қўллаб-қўвватланди, ходимларнинг адолатли, пок, ҳалол ва масулиятли бўлишига мотивация бўлиб, ижтимоий тармоқларда ижобий баҳосин олди.

II. Сиёсат ва тартиб-таомиллар

Маълумки, «Давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш бўйича асосий ички идоравий ҳужжатлар намуналари» коррупцияга қарши курашиш бўйича ички идоравий ҳужжатлар ҳамда уларнинг мазмун –моҳияти, мақсад вазифаларини ўзида мужассам этади.

Бу ҳужжатлар **ISO 37001:2016** *"Коррупцияга қарши курашиш менежменти тизимлари - Фойдаланиш бўйича талаблари ва тавсиялар"*, коррупцияга қарши курашиш бўйича, халқаро ташкилотлар тавсиялари ва етакчи халқаро амалиёт асосида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Ушбу қоидалар асосада ҚР Вазирлар Кенгашининг барча ички ҳужжатлари қайта кўриб чиқилди. Вазирлар Кенгашининг 2022-йил 20-октябрдаги 505-13-0-Q/22-сонли қарори билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши аппарати ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари тасдиқланди ва унга амал қилиш бўйича барча чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, Вазирлар Кенгашининг 2024 йил 5- январдаги 9-13-0-Q/24-сонли қарори билан Вазирлар Кенгашининг:

- коррупцияга қарши курашиш бўйича сиёсати;
- коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиёти;
- манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича низом;
- алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш регламенти;

- ходимларининг этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил қилиш бўйича йўриқнома;
- контрагентларни текширишга оид йўриқнома;
- ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича йўриқнома;
- коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш услубиёти;
- коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича низом;
- ходимларининг коррупциявий хатти-ҳаракатлари ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича Регламенти тасдиқланган.

2024 йил 24 декабрь куни Вазирлар Кенгашининг 821-13-0-Q/24—сон қарори билан “Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва унинг тизимида ходимларни ишга қабул қилиш чоғида танлов ўтказиш тартиби тўғрисида”ги **Низом** тасдиқланди.

III. Хавф-хатарларни баҳолаш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги ПҚ–240—сон қарорига асосан 2025 йилда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан **28 та** функция баҳолашдан ўтказилган бўлиб, унинг натижасига кўра хавф-хатар даражаси **4 та** функцияда – “**юқори**”, **20 та** функцияда – “**ўрта**” ва **4 та** функцияда – “**паст**” даражада баҳоланган.

Баҳолаш якуни бўйича, Вазирлар Кенгашининг коррупциявий хавф-хатарлар харитаси, коррупцияга қарши курашиш бўйича дастури ва коррупциявий хавф-хатар юқори бўлган лавозимлар рўйхати шакллантирилиб, тасдиқланди.

Вазирлар Кенгашининг коррупцияга қарши курашиш бўйича дастури ижрога қаратилиб, унда белгиланган барча чора-тадбирларнинг ижроси таъминлади.

IV. Амалга ошириладиган коррупцияга қарши курашиш, Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш:

Барча ходимларга ҚР Вазирлар Кенгаши ва туман(шаҳар) маҳаллий давлат ҳокимияти органларида Ўзбекистон Республикасининг “**Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида**”ги қонунига мувофиқ, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш мақсадида ходимнинг хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш орқали шахсий наф олишга, манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги ахборотни ошкор этиш чоғида маълумотларни яширишга ёхуд била туриб ёлғон ёки нотўғри ахборот тақдим этишга, бири бошқасига бўйсунувчи ёки бири бошқасининг назоратидаги ташкилотларда ўриндошлик бўйича ишлашга, тижорат ташкилотларининг таъсисчиси ёки акциядори бўлишга, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг бошқарув органи аъзоси бўлишга, ўзига алоқадор шахсларга тааллуқли бўлган ишларни кўриб чиқишда вакил сифатида иштирок этишга **ҳақли эмас эканлиги ва бошқа чекловлар Ташкилий кадрлар гуруҳи ва Коррупцияга қарши ички назорат бўлими** томонидан тушинтирилиб борилади ва доимий назоратда бўлади.

Вазирлар Кенгашида **манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари декларация** қилиниб тартибга солинган, барча ходимларидан йиллик манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари мавжуд манфаатлар тўқнашуви ёки ходимнинг эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияси тўлдирилди.

Шунингдек, манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича тегишли ички идоравий ҳужжатга асосан ходимлар томонидан ҳисобот даврида тўлдирилган манфаатлар тўқнашуви бўйича декларациялар тегишли масъуллар томонидан таҳлил қилинмоқда.

Таҳлил натижаларига кўра ҳисобот даврида Вазирлар Кенгашида **манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари аниқланмади.**

Шу билан бирга, Вазирлар Кенгаши тизимида контрагент томонидан коррупцияга қарши қоидалар бузилиши ҳолатлари содир этилмаганлиги сабабли **шартномалар бекор қилинмаган.**

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси *“Манфаатлар тўқнашуви тўғриси да”* ги қонуни **2024 йилнинг 5 июнь** кунини қабул қилинди ва олти ой ўтгач **6 декабрда** кучга кирди. ҚР Вазирлар Кенгаши ички назорат бўлими томонидан ушбу қонуннинг мазмун-моҳамиятин ҚР Вазирлар Кенгаши ва туман(шаҳар) маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, вазирлик, идора, тошкilotларда ва аҳолига тушинтириш бўйча **30** дан ортик тадбирлар ўтказилди.

ҚР Вазирлар Кенгаши Коррупцияга қарши ички назорат бўлими томонидан **“Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”** ги қонуни қорақалпоқ тилига таржимон қилинди ва ушбу қонун бўйича **уқув слайд** таёрланди, **5 мақола** газета ва илмий журналларда чоп этилди ва Қорақалпоқ хабар агентлигида электрон сайтида чикди. <https://kknews.uz/222541.html>

Борча ходимларга Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига (05.06.2025) киритилган **193⁴-моддасида** *“Манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги қонунчилик талабларини бажармаслик”* учун жавобгарлик белгиланлиги тушинтирилиб борилмоқда.

Манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари мавжуд ҳақимият органлари ходимлари, маҳалла фуқаролар йиғини ҳоким ярдамчилари ва бошқа давлат идораларида ишловчи **32** ходимнинг хусусий корхоналарда фаолият олиб боришига чек қўйилди. Доимий равишда ҚР Вазирлар Кенгашининг **Манфаатлар тўқнашуви ҳолатларининг хисобга олиш Реестри** юритилиб борилади ва натижаси Одоб-ахлоқ комиссияси йиғилишида муҳокамо қилинади. 2025 йил ҳолатига **манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлган ходимлар йўқлиги аниқланди.**

Контрагентларни текшириш:

2025-йил мобайида Вазирлар Кенгаши томонидан **10_та ҳолатда** танланма усулда тегишли масъуллар билан ҳамкорликда ўрганиш тадбирлари ўтказилди. Ўтказилган текшириш натижасида уларнинг фаолияти блокланмаганлиги, чекловлар ўрнатилмаганлиги, манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини келтириб чиқармаганлиги сабабли, харид жараёнларида иштирок этишга ижобий хулосалар берилганлиги аниқланди.

V. Таълим ва коммуникация

Вазирлар Кенгашининг коррупцияга қарши ички назорат бўлими томонидан ҳар ойнинг охириги ўн кунлигининг жума кунлари сиёсий ўқиш (маърифат соати) тадбирлари доирасида онлайн ва бевосита шаклларда семинарлар ташкил этилиб, ходимларнинг фаол иштироки таъминланди.

ҚР Вазирлар Кенгашининг Коррупцияга қарши ички назорат бўлими бошлиғи Б.Матмуратов бошчилигида **2025 йил мобайнида** ҚР Вазирлар Кенгашида, **ҳокимият, вазирликлар, идора ва тошкilotларда 44 маротаба** жойларга чиққан ҳолда тарғибот, ўқув семинари, ўрганиш, текшириш, таҳлил ва мониторинг қилиш тадбирлари ўтказилди.

Ушбу тадбирларни амалга оширишда прокуратура, адлия ва бошқа органлар билан бирга депутатлар, партия вакиллари, маҳалла раислари, еттилиги ва фаоллари, ННТ ва фуқаролик жамияти институтларининг бошқа вакиллари, ОАВ ходимлари фаол иштирок этди.

Тадбирлар ўтказиш борасида Президентимизнинг 2025 йилнинг 5 март куни **"Коррупциянинг олдини олиш бўйича ишлар самарадорлиги ва келгусидаги устувор вазифалар"**га бағишланган Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгашидаги маърузасида белгиланган вазифа ва топшириқларнинг мазмун-моҳияти, Президентимизнинг жорий йилнинг 21 апрель куни қабул қилган **"Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган асосий вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"**ги ПФ-71-сонли Фармонида ишлаб чиқилиши белгиланган 21 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг мазмун-моҳияти тушунтирилиб борилади. Шунингдек, йиғилишда **"Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"**ги, **"Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида"**ги ва бошқа қонунлар, шунингдек, давлат идораларида коррупцияга қарши курашиш бўйича асосий ички идоравий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти тушунтирилиб борилди.

1. 2025 йил январь-февраль. ҚР Вазирлар Кенгашининг Коррупцияга қарши ички назорат бўлими прокуратура ва адлия бўлимлари билан биргаликда жорий йилнинг 7, 8, 15-январ ва 28-феврал кунлари Вазирлар Кенгаши, шаҳар ва туман ҳокимликлари ходимлари ҳамда тегишли соҳа вакилларининг коррупцияга қарши ички назоратни амалга оширишга масъул бўлган ходимлари учун ўқув-семинарлар ташкил этилиб, **"Ҳуқуқий билимлар куни"** ва **"Сиёсий маърифат соати"** тадбирлари ўтказилди.

2. 2025 йил 14 март. ҚР Вазирлар Кенгашида Президентимизнинг жорий йилнинг 5 март куни **"Коррупциянинг олдини олиш бўйича ишлар самарадорлиги ва келгусидаги устувор вазифалар"**га бағишланган Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгашидаги маърузасида белгиланган вазифа ва топшириқларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш ва мулоқот қилишга қаратилган ўқув-семинари вазирликлар, туман, шаҳар ҳокимликлари ва бошқа мутасадди ташкилотлар ходимлари иштирокида бўлиб ўтди.

3. 2025 йил 6-7 май. ҚР Жўқоғи Кенгеси Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашининг 2025 йил 19 апрелдаги 01-12/03-129- сонли Тўрткўл туманини **"Коррупциядан холи"** ҳудудга айлантириш бўйича йўл харитасида белгиланган топшириқлар мазмун моҳиятини тушинтириш ва ижросини таъминлаш юзасидан семинар тақшил этилди. Йўл харитада белгиланган топшириқлар ижроси Тўрткўл туманида жойига чиққан ҳолда урганилди.

4. 2025 йил 14 май. Бердак номидаги Қорақалпоқ давлат университетидида **"Коррупция - ёшлар келажакига таҳдид солувчи иллат"** мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Унда Президентимизнинг жорий йилнинг 5 март куни **"Коррупциянинг олдини олиш бўйича ишлар самарадорлиги ва келгусидаги устувор вазифалар"**га бағишланган Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгашидаги маърузасида белгиланган вазифа ва топшириқларнинг мазмун-моҳияти, Президентимизнинг жорий йилнинг 21 апрель куни қабул қилган **"Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган асосий вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"**ги ПФ-71-сонли Фармонида ишлаб чиқилиши белгиланган 21 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳияти тушунтирилди. Шунингдек, йиғилишда Ўзбекистон Республикасининг **"Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"**ги, **"Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида"**ги ва бошқа қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти тушинтирилди. Унда ҚР Вазирлар Кенгашидан Б.Матмуратов, ҚР Адлия вазирининг биринчи ўринбосари А.Пренов, Хўжайли тумани суди раиси ю.ф.номзади С.Давлетмуратов, Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти бўлим бошлиғи Р.Садиков, ҚР Прокуратураси бўлим катта прокурори Н.Юлдашов, шунингдек, университетнинг барча факультет деканлари, профессор-ўқитувчилар, талаба-ёшлар иштирок этди.

Шундай таҳлида йиғилишлар:

5. 16 май куни Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтида

6. 21 май куни Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтида

7. 28 май куни Қорақалпоғистон тиббиёт институтида бўлиб ўтди.

8. 27 май куни ҚР Вазирлар Кенгашида *“Қорақалпоғистон Республикасида коррупциянинг олдини олиш, унга қарши курашиш, шу жумладан, маиший коррупцияга барҳам бериш, коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатда бўлиш муҳитини шакллантириш”* бўйича йўл харитаси ижроси юзасидан мажлис бўлиб ўтди. Мажлисида ҚР Жўқорғи Кенгеснинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси А.Атажанов, қўмита раиси Ш.Отемисов, ҚР прокуратураси бўлим бошлиғи Р.Санкибаев ва Вазирлар Кенгашидан Б.Матмуратовлар, шунингдек Вазирлар Кенгашининг масъул ходимлари ва 60 дан ортиқ давлат органлари, ташкилотлар ва корхоналарнинг коррупцияга қарши **ички назорат бўлими ходимлари** ҳамда шаҳар (туман) ҳокимликлари ходимлари ZOOM платформаси орқали иштирок этди.

Шундай тарзда йиғилишлар:

9. 12 июнь куни Нукус шаҳар ҳокимлигида

10. 23 июнь куни Амударё туманида

11. 2025 йил 2 июль. Қонликўл туманида

12. 2025 йил 12 июль куни Шуманай туманида

13. 2025 йил 14 июль. Хўжайли тумани

14. 5 2025 йил 15 июль. Нукус туманида

15. 2025 йил 25 июль. Бўзатов туманида

16. 2025 йил 29 июль. ҚР Вазирлар Кенгашида бўлиб ўтди

17. 2025 йил август-сентябрь. ҚР Жўқорғи Кенгашининг 2025 йил 23 июндаги *“Қорақалпоғистон Республикаси ҳуқуқбузарликлар, жиноятчиликнинг олдини олиш ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилган ишлар тўғрисида”*ги 01-10/03-128-сонли баённомасининг 2-бандида берилган ишларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Кенгашидан **Матмуратов Б.**, раҳбар лигида ва депутатлар иштироғида **ишчи гуруҳ** тузилди ва **25 га яқин** давлат органлари, ташкилотлар ва корхоналарнинг коррупцияга қарши **ички назорат бўлими ва ички аудит хизмати** фаолиятининг самарадорлиги ўрганилди. Яхши натижага эришган ташкилот тажрибалари олиниб, бошқа идораларга етказилди. Камчиликка йўл қўйган ходимларга **огоҳлантириш берилди** ва Техника университети филиалининг коррупцияга қарши **ички назорат бўлими** ходимишдан **бўшати**лди.

18. 2025 йил 9 сентябрь. Коррупцияга қарши курашиш агентлигидан келган хатга **асосан** (Бўстон сувқурилиш" МЧЖ таъсисчиси Р.Шамуратов мурожаати бўйича) "Оқчақўл" туризм-рекреатсион ҳудудини ташкил этиш ва инфратузилмасини барпо этиш ишларини ўрганиш ҳамда топшириқлар ижроси юзасидан Элликқалъа туманида комиссия раҳбари сифатида **Матмуратов Б.** иштирок этди. Текширув ва мониторинг ишлари олиб борилди ва якуни бўйича Агентликка жавоб берилди.

19. 2025 йил 10 сентябрь. "Rar24/uz" телеграм каналида намоёиш этилган **Қораўзак** тумани кўп тармоқли тиббиёт бирлашмаси ходимларининг **мурожаатини ўрганиш** бўйича Жўқорғи Кенгеснинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси томонидан тузилган **ишчи гуруҳнинг раҳбари сифатида Матмуратов Б.** иштирок этди. Текширув ва мониторинг ишлари натижалари бўйича ҚР Соғлиқни сақлаш вазирлигига тиббиёт бирлашмасида йўл қўйилган камчиликлари учун тегишли ходимларга интизомий чоралар кўридиши белгиланди.

20. 2025 йил 24 сентябрь. "Sanoat qurilish banki" ҚР бошқармасида Вазирлар Кенгаши "Коррупцияга қарши ички назорат" бўлими бошлиғи Б.Матмуратов раҳбарлигида Президентимизнинг жорий йилнинг **5 март** куни *“Коррупциянинг олдини олиш бўйича*

ишлар самарадорлиги ва келгусидаги устувор вазифалар"га бағишланган Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгашидаги маърузаси ва **21 апрель** куни қабул қилинган **"Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган асосий вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"**ги ПФ-71-сонли Фармонида ишлаб чиқиши белгиланган **21 та** норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини тушунтириш ва мулоқот қилишга қаратилган ўқув-семинари бўлиб ўтди.

Шундай тарзда йиғилишлар:

21. **2025 йил 26 сентябрь** куни "Milliy bank"да
22. **21 октябрь.** ҚР мактабгача ва мактаб таълими вазирлигида
23. **28 октябрь.** Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги
24. **29 октябрь.** Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги
25. **30 октябрь.** Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари бўлиб ўтди.

26. 2025 йил 20 октябрь - 20 ноябрь. ҚР Жўқорғи Кенгесининг 2025 йил 17 октябрдаги **"Қорақалпоғистон Республикасида ҳуқуқбузарликлар, жиноятчилик нинг олдини олиш ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида"**ги 01-10/03-171-сонли баённомасининг 3.1-бандида берилган ҳар бир вазирлик, ташкилот, идора раҳбарлари ва туман (шаҳар) ҳокимларининг раҳбарлик қилаётган соҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича амалга ошираётган ишларини таҳлил қилиб, натижаларига **баҳо бериш учун текшириш** ва мониторинг ўтказиш белгиланди.

Белгиланган топшириқларни бажариш бўйича ҚР Вазирлар Кенгашидан Б.Матмуратов раҳбарлигида, депутатлар, мутосадди ходимлар ишчи гуруҳ тузилди ва Қорақалпоғистоннинг барча **16** туман ва Нукус шаҳрида, шунингдек **40 га яқин** вазирликлар, ташкилотлар, олий ўқув юртлари ва банкларда ўрганиш ишлари олиб борилди. Коррупциянинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ишларга баҳо бериш бўйича **750 дан ортиқ** респондентдан **сўровномалар (аноним)** ўтказилди.

2025 йил 20 октябрь - 20 ноябрь кунлари олиб борилган ўрганиш жараёнида **750 дан** ортиқ респондентлардан (ҳокимият, маҳалла, таълим, соғлиқни сақлаш, банк ва бошқа соҳалар) аноним сўровнома ўтказилди ва якуни таҳлил қилинди.

№	Вазирлик, ташкилотлар номи	Юқори	Ўртача	Қони карли	Паст	Жуда паст
1.	Вазирлик, идора, ҳокимлик раҳбарлари ва ўринбосарларининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги ишлар ва уларнинг ҳалоллигига берилган баҳо	5 %	42 %	39 %	12 %	2%
2	<u>Соғлиқни сақлаш вазирлиги</u>	11 %	62%	21%.	5 %	1%
3	<u>Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги</u>	14 %	64%.	18 %	4%.	-
4	<u>Олий ўқув юртлари</u>	13 %	60 %	2 2%.	5 %	-
5	<u>Спорт вазирлиги</u>	9 %	51%.	36%	4%.	-
6	<u>Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги</u>	4%.	49%.	38%.	8 %	1 %
7	Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги	5 %	53%	36%	5 %	1 %
8	ҚР автомобиль йўллари бош бошқармаси	3 %	47%.	45%.	4%.	1 %

9	ҚР экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги	8 %	56.	34.	2 %	-
10	Транспорт вазирлиги	4%.	51%.	41%.	3 %	1 %
11	“Худудгаз Қорақалпоғистон” газ таъминоти филиали	3 %	67%	25 %	4%.	1 %
12	“ҚҚ худудий электр тармоқлари Корхонаси” АЖ	4 %.	65 %	26%	4%.	1 %
13	“Қорақалпоқ сув таъминоти” МЧЖ	5 %	64%.	28%.	2 %	-
14	Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ҚР бошқармаси	11 %	58%.	29%	2 %	-
15	Банк, молия органлари	6 %	64%.	28%.	3 %	-
16	ҚР Кадастр агентлиги бошқармаси	5 %	51%.	37%.	6 %	1 %
17	Хукукни муҳофаза қилиш органлари	12 %	54%.	33%.	1 %	-

Сўровнома натижалари бўйича идора раҳбарлари ва ходимларига коррупциянинг олдини олишда авваламбор барча соҳаларда **очиқлик ва шаффофлик** принципларига амал қилиш, шунингдек, рақамлаштиришга ўтишнинг зарурлиги ва **манфаатлар тўқношувига** йўл қўймаслик чораларини куриш вазифаси кўрсатилди. Масалан, Мактабгача ва мактаб таълими ташкилотлари даги коррупция хавф-хатарларини бартараф этиш учун қуйидаги зарур чораларни кўриш **тавсия этилди:**

1. 5 - 6 йилдан ортиқ ишлаётган таълим муассасаси раҳбарини аттестация ўтказиш йўли билан ротация қилиш;

2. Ташкилотдаги бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотларнинг мунтазам равишда вакансиялар базасига рақамлаштириш орқали жойлаштириб **очиқлик ва шаффофликни** таъминлаш ва ўрганиш;

3. **Дарс соатлари** рақамлаштириш орқали тақсимланиши методологияга асосан амалга оширилиши, ишга қабул қилишда коррупциявий омилларни бартараф этиш;

4. Бюджеттан ташқарқ маблағларнинг мақсадли ишлатилиши ҳолатини рақамлаштириш **очиқлик ва шаффофликни** таъминлаш ва ўрганиш;

5. "Kundalik.kom" электрон платформасига маълумотларнинг ҳақиқий ва ўз вақтида киритилишини, ўқувчиларнинг дарсга қатнашини ва баҳоларни ўзгартириш ҳолатларининг олдини олишни таъминлаш;

6. **Ота-оналар** уларнинг ўрнини босувчи шахслардан ва хомийлардан пул йиғиш ҳолатларини рақамлаштириш, **очиқлик ва шаффофликни** таъминлаш, ўрганиш;

7. **Давлат** мактабгача таълим ташкилотларида овқатлантириш тизимини аутсорсингга ўтказилишини таъминлаш, **очиқлик ва шаффофлик** принципларига амал қилиш;

8. Мактабгача таълим ташкилотига болаларни ҳужжатсиз қабул қилиш ҳолатларини "Болалар бoғчасини бошқариш учун универсал ахборот тизими" платформаси орқали ўрганиш.

9.Мактабгача ва мактаб таълими ташкилотларида ва маҳаллаларда бола ҳуқуқларини таъминлашда **«Ота-оналар университети»** жамоатчилик тузил маси, депутатлар, фуқаро ларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштироки таъминлаш.

Б. Матмуратов томонидан текшириш ишлари, мониторинг ва ўқув семинарлари қуйидаги туманларда олиб борилди.

27. 2025 йил 17 октябрь Қораўзак тумани ҳокимлиги

28. 2025 йил 21 октябрь Чимбой тумани ҳокимлиги

29. 2025 йил 24 октябрь Тахтакўпир тумани ҳокимлиги

30. 2025 йил 29 октябрь Эллиқалъа тумани ҳокимлиги

- 31. 2025 йил 3 ноябрь Тўрткўл тумани ҳокимлиги
- 32. 2025 йил 6 ноябрь Беруний тумани ҳокимлиги
- 33. 2025 йил 8 ноябрь Амударё тумани ҳокимлиги

34. Мамлакатимизда 9 декабрь **Халқаро коррупцияга қарши курашиш кuni** байрами доирасида ҳар йили кенг кўламли **"Аксилкоррупция, яъни Коррупцияга қарши ойлиги"** ўтказилиб келинмоқда. ҚР Вазирлар Кенгашидан Б.Матмуратов ва прокуратура ходимлари иштирокида **"Коррупцияга қарши ойлик"** доирасида 13 ноябрь - 12 декабрь 9 декабрь **Халқаро коррупцияга қарши курашиш кuni** байрами муносабати билан вазирлик, идора ва ташкилотларда тадбирлар ўтказилди.

Тадбирлар борасида БМТнинг **Коррупцияга қарши Конвенцияси** 8 модда сига мувофиқ олий ўқув юртлари ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги соҳаси ходимларига **"Таълим-тарбия ишларини олиб боришда юқори кўрсаткичларга эришган, ўзининг адолатлилиги, поклиги, ҳалоллиги ва масъулиятлилиги билан катта ҳурматга сазовор бўлган"** профессор-ўқитувчиларга ва ходимларга **"Ташаккурнома"** билдирилди.

Шундай тарзда йиғилишлар:

35. 2025 йил 13 ноябрь. Қорақалпоқ давлат университетида тарбиявий ишлар бўйича декан ўринбосарлари, тьюторлари ва талаба ёшлари билан

36. 2025 йил 24 ноябрь QR АКБ Агробанк

37. 2025 йил 25 ноябрь ҚР Рақобат кўмитаси

38. 2025 йил 2 декабрь Саноат қурилиш банк ҚР бошқармаси

39. 2025 йил 3 декабрь ҚР камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги

40. 2025 йил 6 декабрь Ёшлар марказида Мажбурий ижро бюроси Қорақалпоғистон бошқармаси ходимлари ва ота-оналари билан учрашув

41. 2025 йил 9 декабрь Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Нукус филиали профессор-ўқитувчилари ва талаба ёшлари

42. 2025 йил 9 декабрь Қорақалпоқ давлат университети профессор-ўқитувчилари ва талаба ёшлари

43. 2025 йил 10 декабрь Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтида ўтказилди.

44. 2025 йил 12 декабрь. Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгаши мажлисининг 14.11.2025 йилдаги 28-сонли баённомоси билан **"9 декабрь—Халқаро коррупцияга қарши курашиш кuni"**га бағишланган аксилкоррупция ойлиги доирасида ўтказиладиган тадбирлар режаси"нинг 5-бандига мувофиқ, вазирлик ва идоралар томонидан ўз фаолиятлари **очиқлигини таъминлаш**, коррупциявий хавф-хатарларнинг олдини олиш ва бартараф этиш, соҳада замонавий коррупцияга қарши курашиш тизимларини жорий этиш каби масалаларга бағишланган **"Очиқ эшиклар кuni"** тадбири бўлиб ўтди. Тадбирда ҚР Вазирлар Кенгашининг Коррупцияга қарши ички назорат бўлими бошлиғи Б.Матмуратов, шунингдек, соҳага алоқадор мутахассислар, ОАВ вакиллари иштирок этди.

Оммавий ахборот воситаситаларидаги чиқишлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 5 март кунги Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгашидаги маърузасининг мазмун-моҳиятини очиб бериш ва белгилаб берган вазифалар ҳақида - Вазирлар Кенгашининг Коррупцияга қарши ички назорат бўлими бошлиғи Б.Матмуратовнинг **радиога берган суҳбати** Вазирлар

Кенгашининг Karakalpakstan.uz (t.me/QresMinistrler Kenesi) расмий телеграм каналига жойлаштирилди.

2. *“Korrupsiyaga qarsi mawasasiz gúres jańa basqishqa kóterilmekte”* номли мақоласи «Еркин Қарақалпақстан» газетасининг 2025-йил 25-март кунги (№4-35-36(21214) сониди

3. *“Korrupsiyaga qarsi gúres ulıwma milliy háreketke aylanıwı tiyis”* номли мақоласи Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг Ахборотномаси (№1(68). Нукус, 2025. 297-300-бетлар) да эълон қилинди.

4. Қорақалпоқ давлат университетининг *“Қарақалпақ университети”* газетасининг 2025 йил 1 апрель санасида №7(567) *“Korrupsiyaga qarsi gúresiń – ulıwma milliy wazıypamız”* номли мақола чоп этилди.

5. *“Коррупцияга қарши курашиш тизимига оид чора-тадбирлар амалда”* номли мақола «Еркин Қарақалпақстан» газетасининг 2025-йил 8-май кунги (№56(21234) сониди

6. *«Korrupsiyaga qarsi gúresiń sistemasın hám onıń huqıqıy tiykarların jáne de jetilistiriw»* мақоласи Qaraqalpaq universiteti газетасида Avgust 2025-jıl №15 (575) сониди чоп этилди.

7. *“Korrupsiyaga qarshi murosasiz kurash yangi bosqichda”* nomli maqolasi 14-mart kuni (<https://kknews.uz/kk/236329.html>) va *“Korrupsiyaga qarshi kurashish tizimini yanada takomillashtirish bo'yicha belgilangan ustuvor vazifalar ijrosini samarali tashkil etishga doir chora-tadbirlar amalida”* nomli maqolasi 2-may kuni (<https://kknews.uz/uz/242831.html>) Qoraqalpog'iston axborot agentligi saytida e'lon qilindi.

8. *“Коррупцияга қарсы гүрес улыўма миллий ҳарекетке айланыўы тийис”* номли мақоласи Ўзбекистан Республикаси Илимлер Академияси Қарақалпақстан бөлимининг ХАБАРШЫСЫ. 2025 йил № 4 сониди чоп этилди.

9. *«Korrupsiyaga qarshi mawasasiz gúres»* мақоласи Qaraqalpaq universiteti газетасида dekabr 2025-jıl №4 (583) сониди чоп этилди.

10. *“Коррупцияга қарсы гүрес улыўма миллий ҳарекетке айланыўы тийис”* номли мақоласи «Еркин Қарақалпақстан» газетасининг 2025-йил 8-декабрь кунги (№138-139 (21317) сониди чоп этилди.

11. 2025 йилнинг 6 август куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-71-сонли Фармонида ишлаб чиқилиши белгиланган 21 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг мазмун-моҳияти бўйича ҚР Вазирлар Кенгашининг Коррупцияга қарши ички назорат бўлими бошлиғи Б.Матмуратов томонидан радиода берган суҳбатлари Вазирлар Кенгашининг Karakalpakstan.uz (t.me/QresMinistrlerKenesi) расмий тереграф каналда жойлаштирилди.

VI. Коррупциявий хатти-ҳаракатлар ва ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабарлар:

Коррупция ҳолатлари тўғрисида тез ва узлуқиз, куннинг исталган вақтида хабар бериш имкониятларини яратиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг +99861 222-26-14 ва тегишли идора ва ташкилотларнинг 24 ишонч телефон рақами доимий фаолият юритмоқда. Кенгаш ва тегишли идора ва ташкилотларнинг 14 телеграм канал ва ботлари, шунингдек, *“Antikorr.uz”* мобил иловаси ишга туширилган. Вазирлар Кенгаши 16 та шаҳар ва туман ҳокимликларининг расмий веб-сайтлари ягона платформа - *ijro.gov* тизимига тўлиқ ўтказилган. Шунингдек, барча расмий веб-сайтларда коррупцияга қарши курашиш бўйича алоҳида саҳифалар очилиб, соҳада амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумотлар доимий равишда янгиланган бўлиб боришмоқда.

Коррупцияга қарши курашаш Миллий кенгашининг ҚР ҳудудий бўлими қарорига биноан бугинги куни ҚР соғлиқни соқлаш вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълим вазирлиги, барча олий таълим тошкитотлари, тумон(шаҳар) ҳокимият органларининг фаолияти бўйича ишонич телефонлар жорий этилди ва барчасига мутасадди раҳбарлар

билан бирга Вазирлар Кенгашининг Коррупцияга қарши **ички назорат бўлими телефон рақами** берилди.

Жорий йил довомида ҚР Вазирлар Кенгаши Коррупцияга қарши **ички назорат бўлимига 31 мурожаат** келган, шундан **30 и ижобий** ҳал қилинган. Тиббий хизматдан норози бўлган фуқаролар учун Б.Матмуратов ва ҚР ЖК депутаты Я. Абдуллаеванинг кунига 24 соатлик ишонч телефони жорий этилиб, **суткасига 7-8 та мурожаат (30% коррупцион ҳолатга эга.(даволашга нўл сўраш, иприц, вата, спирт, бор дориларни, киммат дориларни олдирши, узи, рентген учун хусусий тиббий идорага жўнатиш ва ҳ.)** шу вақтнинг ўзида ижобий ҳал этилмоқда. Қўпол ҳатоликларга йўл қўйган **8 медицина** ходими раҳбарияти томонидан интизомий чора қўлланилди. Республика ихтисослаштирилган Она ва бола саломатлиги маркази **директори** ва **юристи** ишдан бўшатилди.

VII. Мониторинг ва назорат:

1. Ҳисобот даврида коррупцияга қарши тизимининг долзарблиги ва унинг қонунчилик талаблари, шу жумладан, халқаро стандартлар талабларига мувофиқлиги мониторинги бўйича **шаҳар** ва **туманлар** ҳокимликларида **одоб-ахлоқ қоидалари** ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича ишлаб чиқилган бошқа **ички идоравий ҳужжатларга риоя** этилиши юзасидан мунтазам равишда мониторинглар ўтказилиб борилмоқда ва давлат хизматчиларида коррупцияга нисбатан мурасиз муносабатни шакллантириш бўйича **ўқув семинарлари** ташкил этилмоқда.

2025й. август-сентябрь ҚР Жўқорғи Кенгашининг **2025 йил 23 июндаги 01-10/03-128-сонли** баён номасининг 2-бандида берилган ишларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида **Матмуратов Б** раҳбарлигида **ишчи гуруҳ** тузилиб **25 га яқин** давлат органлари, ташкилотлар ва корхоналарнинг **коррупцияга қарши ички назорат бўлими** ва **ички аудит хизмати** фаолиятининг самарадорлиги ўрганилди.

20 октябрь-20 ноябрь кунлари ҚР Жўқорғи Кенгесининг 2025 йил 17 октябрдаги 01-10/03-171-сонли **баённомасининг 3.1-бандида** белгиланган топшириқларни бажариш бўйича ҚР Вазирлар Кенгашидан **Б.Матмуратов раҳбарлигида ишчи гуруҳ** тузилди ва Республикаимизнинг барча **16** туман ва Нукус шаҳрида, шунингдек **40 га яқин** вазирликлар, ташкилотлар, олий ўқув юртлари ва банкларда ўрганиш ишлари олиб борилди. Коррупциянинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ишларга баҳо бериш бўйича **750 дан ортиқ** респондентдан **сўровномалар (аноним)** ўтказилди.

2.Тўртқўл туманини “коррупциядан холи” ҳудудга айлантириш юзасидан **ЙЎЛ ХАРИТАСИ** ижроси бўйича ҚР Вазирлар Кенгашига тегишли бандлар бўйича амалга оширилган ишлар

1. **1-банд.** Тўртқўл тумани Мактабгача ва мактаб таълими бўлимига қарашли таълим муассасаларида 5 йилдан ортиқ муддат давомида фаолият юритиб келаётган **23 та мактаб директорлари** ҳамда **19 та ДМТТ директорлари** аниқланди ротация қилиниб, белгиланган тартибда расмийлаштирилди.

2. **6-банд.**Тумандаги **тиббиёт бирлашмаси** ҳамда **тиббиёт муассасаларининг** кириш жойларида барчага танишиш учун қулай ва тушунарли бўлган коррупцияни олдини олишга қаратилган **чакириқлар**, коррупцияга дуч келганда мурожаат қилиш мумкин бўлган **ишонч телефонлари** қайд этилган **баннер** ва плакатлар жойлаштирилганлиги ҳамда аҳолига кўрсатиладиган **бепул** тиббий хизматлар, бепул бериладиган дори-дармонлар рўйхатларини қабулхоналарда аҳоли учун кўринарли ва тушунарли усулда жойлаштирилганлигини улардаги маълумотлар доимий янгиллаб борилаётганлиги жорий йилнинг **8 май** ҳамда **20 июнь** кунлари Вазирлар Кенгаши ишчи гуруҳи томонидан жойига чиқган ҳолда ўрганилди ва камчиликлар бартараф этилди..

Тумандаги барча маҳалла фуқаролар йиғинлари биноларида **“Банкир бурчаклари”ни жорий қилиб**, банкларда мавжуд имтиёзли кредит маблағлари, уни олиш тартиби ва шартлари ҳақида содда тилда хабар берувчи тарқатма материаллари (буклет, флаер) билан **жихозлашди**.

Туманда барча ҳоким ёрдамчилари ва маҳалла раисларини ноқонуний қурилишлар ҳақида хабар бериш мажбуриятлари билан таништирган ҳолда огоҳлантириш ва қафолат хатларини олинди.

3. 18-банд.Тўрткўл “Эл-ризи” деҳқон бозори “Нукус деҳқон бозори” намунасида автотураргоҳи ДХИ-ИТС413-ПВ4Д-ИЗ1 камераси билан жихозлаш юзасидан Тўрткўл савдо комплексининг кириш-чиқиш қисмига юзни таниб олувчи 2 та камера, автотураргоҳга 360 градус айланувчи 2 та ПТЗ камералари ўрнатилди. Барча савдо марказларида **“Коррупция - тараққиёт душмани”** ва бошқа атамаларда банерлар қистирилди.

4. 19-банд.Туман ҳокимлиги томонидан Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 5 майдаги **“Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”**ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги **“Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”** ги ПФ-6247 сонли Фармони юзасидан чора тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Мазкур банд бўйича туман ҳокимлиги томонидан юқоридаги қонунчилик ҳужжатлари ижросини таъминлаш мақсадида туман ҳокимлигининг расмий (<http://gov.uz/oz/tortkuil/>) веб сайтида (<http://gov.uz/oz/tortkuil/sestiونس/очиқ-ма-умотлар-пф-6247>) ва <http://gov.uz/oz/tortkuil/sestiونس/коррупцияга-қарши-қураш> бўлими ташкил қилинган бўлиб, ўз вақтида маълумотлар жойлаб келинмоқда.

5. 20-банд.Мазкур банддаги топшириқ юзасидан Коррупцияга қарши қурашиш агентлиги томонидан **“Е-леарнинг”** таълим платформаси белгиланган муддатда ишга туширилди.

Шунингдек, туман ҳокимлиги, вазирлик ва давлат идораларининг тумандаги бўлимларининг очиқликка масъул ходимларини рўйхатлари шакиллантирилиб, уларни **“Е-леарнинг”** таълим платформаси орқали ўқитишларини ташкил этиш учун Агентликка тақдим этилди..

6. 21-банд. Тўрткўл тумани ҳудудини коррупциядан ҳоли ҳудудга айлантириш доирасида амалга оширилаётган ишлар бўйича жамоатчилик ва ҳудудий кенгаш олдида ҳисобот бериш режалаштирилди. Коррупцияга қарши қураш бўйича қонунчиликдаги янгиликларни аҳолига етказиш бўйича ОАВ билан ҳамкорлик кучайтирилди.

2025 йилнинг 6-май ва 3-ноябрь кунлари ҚР Вазирлар Кенгашининг коррупцияга қарши ички назорат бўлими, прокуратура, адлия органлари томонидан Президентимизнинг 2025 йилнинг 5 март куни **“Коррупциянинг олдини олиш бўйича ишлар самарадорлиги ва келгусидаги устувор вазифалар”**га бағишланган Коррупцияга қарши қурашиш Миллий кенгашидаги маърузасида белгиланган вазифа ва топшириқларнинг мазмун-моҳияти, Президентимизнинг жорий йилнинг 21 апрель куни қабул қилган ПФ-71-сонли Фармонида ишлаб чиқилиши белгиланган 21 та норматив-ҳукукий ҳужжатнинг мазмун-моҳияти, шунингдек, **“Коррупцияга қарши қурашиш тўғрисида”**ги, **“Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”**ги ва бошқа қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти тушунтирилди.

3. Коррупцияга қарши курашиш соҳасида ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг иштирокини янада кенгайтириш. “Навоий тажрибаси”ни яратиш. (ПҚ 288-сон 19.09.2025)

ҚР Вазирлар Кенгашининг Коррупцияга қарши ички назорат бўлими томонидан 2025 йил мобайнида ҚР Вазирлар Кенгашида, ҳокимият, вазир ликлар, идора, тошкilotларда, маҳаллаларда, “Дўстлик уйи» нодавлат нотижорат ташкilotлари уйида <https://youtu.be/BOY3U1h63dw> 44 маротаба жойларга чиққан ҳолда тарғибот, ўқув семинари, ўрганиш, текшириш, таҳлил ва мониторинг қилиш тадбирлари ўтказилди.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасида фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини янада кенгайтириш мақсадида ўтказилаётган тадбирларда маҳалла раислари, еттилиги ва фаоллари, ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари вакиллари, ОАВ ходимлари доимий иштирок этмоқда.

1. Коррупцияга қарши курашиш ҚР ҳудудий кенгаши, ҚР Вазирлар Кенгашининг Коррупцияга қарши ички назорат бўлими, “Юксалиш” ҳаракати ҚР ҳудудий бўлинмаси, Ўзбекистон ННТМА ҚР ҳудудий бўлинмаси, Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг ҚР бўлинмаси билан биргаликда барча ННТ ларга Жамоат фонди томонидан эълон қилинган “Маиший коррупция ҳолатларини келтириб чиқарадиган омиллар ва унга жамоатчиликнинг муносабатини ўрганиш бўйича ижтимоий сўровлар ўтказиш” мавзусида грант ёзиш, танловларида фаол қатнашиши учун семинарлар ўтказилди, коррупциянинг хавфи, мавзунинг мазмун моҳияти тушинтирилди. ZOOM платформаси орқали тарғибот ишлари олиб борилди. (сентябрь-октябрь)

ҚР да фаолият юритаётган Фуқаролик жамияти институтлари томонидан ушбу мавзусида 18 ННТ грант лойиҳаси ёзилиб фоал иштирок этди. Шундан Парламент комиссияси хулосасига кўра бир лойиҳа ғолиб деб топилди. (декабрь)

№	ННТ номи	Ф.И.Ш.	Грант мавзуси	Сум маси	Рақами
Коррупцияга қарши кураш ва экология йўналишида ёзган ННТлар					
1.	Нодавлат нотижорат Қорақалпоғистон Республикаси "Жаслик" ҳудудий тадқиқот маркази	Бердимуратова Алима Қарлибаевна	"Коррупциянинг ижтимоий ҳодиса сифатида вужудга келиш омиллари, коррупцияга қарши курашиш бўйича тавсиялар"	150 000 000	15/16-G/ 25-14/72
Муддат: 4 ой					

“Қорақалпоғистон Республикасида ижтимоий муаммоларни ҳал этишга фуқаролик жамияти институтларини жалб этиш” мавзусидаги грант танлови ғолиби бўлган ННТ (сентябрь 2025 йил, бугинги кунда лойиҳа бажарилмоқда)

№	ННТ номи	Ф.И.Ш.	Лойиҳа номи	Танлов йўналиши	Сумма
1.	Ўзбекистон Республикаси Хакамлик судлари Ассоциацияси ҚР филиали раҳбари	Айбергенов Рустем Бердибаевич	"Коррупцияга қарши кура шиш йўлида" Муддат: 3 ой	"Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга замин яратаётган омил ва шарт-шароитларни чуқур ўрган иш, уларни бартараф этиш бўйича самарали механизм ларни жорий этиш"	70 000 000

2. 2025 йил 20 октябрь - 20 ноябрь кунлари “Вазирлик, ташкилот, идора раҳбарлари ва туман (шаҳар) ҳокимларининг раҳбарлик қилаётган соҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича амалга ошираётган ишларини таҳлил қилиб, натижаларига **баҳо бериш** учун текшириш ва мониторинг ўтказиш” бўйича олиб борилган ўрганиш жараёнида **750 дан** ортиқ респондентлардан (ҳокимият, маҳалла, таълим, соғлиқни сақлаш, банк ва бошқа соҳалар) аноним сўровнома ўтказилди ва якуни таҳлил қилишда **маҳалла раислари ва еттилиги, ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари вакиллари, ОАВ** ходимлари фаол иштирок этди.

3. 2025 й. 14 ноябрдаги Коррупцияга қарши курашиш **Миллий кенгаши** баённомаси ижроси доирасида **жорий 3 декабрь куни “Дўстлик уйи»** ННТ уйида ҚР да фуқаролик жамияти институт ларининг коррупцияга қарши **лойиҳалари тақдимоти** ўтказилди. Тадбирда Жўқорғи Кенгес кўмитаси раиси А. Атажанов, Вазирлар Кенгашидан **Б. Матмуратов, “Юксалиш”** ҳаракати ҚР ҳудудий бўлинмаси бошлиғи Т.Романов, Ўзбекистон ННТМА ҚР ҳудудий бўлинмаси раҳбари К. Кариходжаев ва бошқалар иштирок этди. <https://youtu.be/BOY3U1h63dw>.

Тадбирда **“Тараққиёт кўзгуси”** газетаси таҳририятининг **“Биз коррупцияга қаршимиз!”** номли грант лойиҳаси ҳамда **“Амударё телевидениеси”** таҳририятининг **“Коррупция – давлат ва жамият тараққиётига таҳдид”** номли лойиҳалари доирасида амалга оширилган ишлари юзасидан тақдимоти ўтказилди.

4. **“Навоий тажрибаси”**ни яратиш, бунда маиший коррупция ҳолатларини келтириб чиқарувчи омилларни ва унга жамоатчилик муносабатини ўрганиш мақсадида ижтимоий сўровлар ўтказиш, натижаси бўйича тегишли лойиҳа ва ташаббусларни амалга ошириш ҳамда қонунчиликни такомиллаштириш бўйича **Ўзбекистон ННТМА ҚР ҳудудий бўлинмаси ва “Юксалиш” ҳаракати ҚР ҳудудий бўлинмаси билан бирга** таклифлар таёрланди.

VIII. Аниқланган қоидабузарликлар ва уларга таъсир чоралари:

Вазирлар Кенгаши томонидан коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш бўйича ички идоравий ҳужжатлар ишлаб чиқилган ва барча ходим лар томонидан катъий риоя қилинмоқда. Бугунги кунда, Вазирлар Кенгаши ходимлари томонидан коррупциявий жиноятлар содир этилмаган ҳамда коррупцияга қарши курашишга оид **қонунчилик ва ички идоравий талаблар бузилмаган.**

Вазирлар Кенгашида коррупцияга қарши курашиш бўйича талабларнинг бузилганлиги тўғрисида ахборот келиб тушмаганлиги ва қоидабузарликлар аниқланмаганлиги сабабли ходимларга нисбатан таъсир чоралар кўрилмаган.

IX. Хулосалар:

ҚР Вазирлар Кенгашининг Коррупцияга қарши ички назорат бўлими томонидан Бош прокуратура ҳузуридаги **Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ҚР бошқармаси** ва Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда, вазирлик, идора ва тошкелотларда, шаҳар ва туманлар ҳокимликларида коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш мақсадида, ходимлар ўртасида семинарлар ва давра сўхбатлари ўтказилиб келинмоқда. Тадбирларни амалга оширишда **депутатлар, партия вакиллари, маҳалла раислари, еттилиги ва фаоллари, ННТ ва фуқаролик жамияти институтларининг бошқа вакиллари, ОАВ** ходимлари фаол иштирок этди.

Дойимий равишда **“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги, “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги** ва бошқа қонунлар, шунингдек, Президентимиз фармон ва

қарарларининг мазмун-моҳияти бўйича ўқув семинар лар утказилиб борилмоқда. Айниқса, Президентимизнинг жорий йилнинг **5 март** куни **"Коррупциянинг олдини олиш бўйича ишлар самарадорлиги ва келгусидаги устувор вазифалар"**га бағишланган Коррупцияга қарши курашиш Миллий Кенгашидаги маърузасида белгиланган вазифалар ҳамда **21 апрель** куни қабул қилинган **"Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган асосий вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"**ги ПФ-71-сонли Фармонида ишлаб чиқилиши белгиланган 21 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини тушунтириш ва мулоқот қилишга қаратилган ўқув-семинари тизимли амалган оширилмоқда.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича **Давлат дастури ва Йўл хариталарида**, Президентимиз фармони ва қарорларида, Миллий кенгаш ва Агентлик қарорларида белгиланган вазифаларнинг бажарилишида **аввалам бор**, давлат органларида коррупцияга қарши **ички назоратни** кучайтириш, коррупцияга оид ҳуқуқ бузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, давлат ва жамият бошқарувида **бюрократик** тўсиқларни камайитириш, барча соҳаларда **очиклик ва шаффофлик** тамойилига амал қилиш, рақамлаштириш, **манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик** чораларини куриш, давлат хизматида **ҳалоллик вакцинаси** билан эмланган профессионал ва фидоий кадрларни танлаш, коррупцияга нисбатан мурасасизлик, тақотсизлик муносабатни шакллантириш каби чораларни амалга ошириш кўзда тутилди.

Бу чораларни самарали амалга оширишимиз Қорақалпоғистоннинг **коррупция дан холи ҳудудга** айланиши ва барқарор ривожланишига хизмат қилмоқда.

Олиб борилган ўрганиш, мониторинг ва тарғибот тадбирлари натижасига кўра ходимларнинг маъсулияти ортган ҳолда бугунги кунда шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ходимлари томонидан коррупциявий жиноятлар содир этилмаган ҳамда коррупцияга қарши курашишга оид **қонунчилик талаблари бузилмаган**.

Х. Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада ривожлантириш бўйича таклифлар ва тадбирлар режаси

ҚР Вазирлар Кенгашининг Коррупцияга қарши ички назорат бўлими томонидан Агентликга қўйидаги таклифлар берилди:

1. Давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари мустақиллигини таъминлаш(статусин қайта кўриб чиқиш) ҳамда фаолити самарадорлигини ошириш .

2. БМТнинг Коррупцияга қарши Конвенцияси 8 моддасига мувофиқ, *Коррупцияга қарши курашиш мақсадида бошқа фазилатлар қатори, шахсларининг поклиги, ҳалоллиги ва масъулиятлилигини рағбатлантириб бориш* пилот лойиҳа таълим муассасаларида амалга оширилди ва бошқа соҳаларда жорий этиш таклифи берилди.

3. Бугунги кунда ишга қабул қилишда коррупцион ҳалотларни йўқ этиш энг асосий муаммоларнинг бири. Айниқса, таълим муассасаларини битирган иқтидорли, аммо **имконияти чекланган** ёшларнинг ишга кира олмаслиги ачинарли ҳолат.

Аксарият давлат идора ва ташкилотларда ишга қабул қилиш жараёнида малака талаблари камида 3 йил меҳнат стажига эга бўлиши деб белгиланмоқда, натижада таълим муассасаларини томонлаган битирувчиларнинг бандлиги таъминлаш бўйича муаммолар юзага келмоқда.

Коррупциянинг олдини олиш, ишга қабул қилиш жараёнида шаффофликни таъминлаш ҳамда **ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларининг** ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида барча давлат ҳокимияти органлари, вазирликлар, идоралар ва

ташкilotлар ҳар ой (ёки ҳар чорак) якуни бўйича ишга қабул қилинган фуқаролар тўғрисидаги маълумотларни белгиланган тартибда тақдим этиб бориши лозим.

Мазкур маълумотлар ишга қабул қилинган шахсининг фамилияси, исми, шарифи, яшаш манзили ва телефон рақамини, шунингдек, **улар орасида етимлар, ногиронлар, боқувчисини йўқотганлар, кам таъминланган** оилалар аъзолари, ва ижтимоий ҳимояга муҳтож **нечта шахс** ишга қабул қилинганини қамраб олиши керак.

Ушбу маълумотлар тегишли давлат органларига, шу жумладан ҳокимиятларнинг коррупцияга қарши (комплаенс) ички назорат бўлимларига тақдим этилади. Тегишли органлар тақдим этилган маълумотлар асосида ишга қабул қилинган фуқаролар билан **телефон орқали** мулоқот ўтказиб, ишга кириш жараёнида улардан ноқонуний пул талаб қилинган ёки қилинмаганини аниқлаш орқали товламачилик ва коррупция ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўради.

Қайд этиш керак, ҳар қайси раҳбарнинг **фаолиятини самарадорлигини баҳолашда** қанча **“камбағал оиланинг фарзанларин ишга жойлаштиргани”** бу асосий кўрсаткичларнинг бири бўлиши зарур.

4. Жиноят кодексининг 211-модданинг (пора бериш) 4-қисмига ўзгартиш киритиш зарур. *“Башарти, шахсга нисбатан пора сўраб товламачилик қилинган бўлса ва ушбу шахс жиноий ҳаракатлар содир этилганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка мобайнида ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, у жавобгарликдан озод этилади.” деган 4-қисмидаги “ўттиз сутка” сўзининг ўрнига “олти ой” деб белгиланса ҳақийқатни(пора сўраб товламачилик қилинганин) айтиб мурожаат қилишга имкони яратилади.*

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 24.09.1999 йилдаги “Порахўрлик ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 19-сон қарорининг 17 бандига мувофиқ, *“Агар жабрланувчи пора талаб қилинганлиги ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилган бўлиб, тезкор тадбир давомида жабрланувчининг мулкидан пора предмети тариқасида фойдаланилган бўлса, ушбу мулк Жиноят-процессуал кодекси 211-моддасининг 4-бандига асосан жабрланувчига қайтарилиши лозим, бошқа ҳолатларда пора предмети суд ҳукми билан давлат эгалигига ўтказилади.”*

Коррупцияга қарши ички назорат бўлими томонидан шаҳар ва туманлар ҳокимликларида коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ва олдини олиш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар режаси ва 2025-йилга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича Дастури ишлаб чиқилиб, ушбу дастурда берилган топшириқларнинг ўз муддатларда бажарилиши тўлиқ назоратга олинган.

ҚР Вазирлар Кенгашининг коррупцияга қарши
ички назорат бўлими бошлиғи

Б.Матмуратов